

## Жанубий кореялик шифокорлар Андижонда

---



Андижонда Жанубий кореялик шифокорлар ахолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.□

□ □□□□□□□□□ авлод учун□ □□ халқаро хайрия фонди ҳамда Жанубий Кореянинг Ewha Womans University госпитали ҳамкорлигига вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил этилган тадбирда ахоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари берилди.□

□ □□ Педиатр, ортопед, психолог, стоматолог, гинеколог, отоларинголог каби мутахассислардан иборат Жанубий кореялик шифокорлар гуруҳи ахолига зарур тавсия ва маслаҳатлар берди, □ □□ дейди □ □□□□□□□□□ авлод учун□ □□ халқаро хайрия фонди Андижон вилояти ҳудудий филиали директори Турсунбой Бердираҳматов. □ □□ Туғма юрак, қўл-оёқ бўғимлари нуқсони, терининг қувиш асоратлари ва бошқа жиддий хасталиклар билан оғриган bemorлар Жанубий Кореядан келтирилган замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар ёрдамида чуқурлаштирилган текширувдан ўтказилди.□

□ □□ Мақсадимиз, юрtingизда ахоли саломатлигини муҳофаза қилишга кўмаклашиш, ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, □ □□ дейди Ewha Womans University госпитали профессори Ким Хан Су. □ □□ Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман. Шу қисқа вақт ичida бу ерда амалга оширилган ўзгаришлар мени ҳайратга солмоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларни алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф доирасидаги ҳамкорлигимиз ижобий самара беришига ишонаман.□

□ Ўзим терапевтга кўриндим, қизим ва ўғлим болалар шифокори кўригидан ўтди, □ □□ дейди Балиқчи туманидаги Сиза маҳалласида яшовчи Моҳирўя Қосимова. □ □□ Хорижлик шифокорлар соғлиғимизни мустаҳкамлаш бўйича зарур тавсия ва маслаҳатлар берди.□

Ташриф доирасида хорижлик шифокорлар Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Тиббий таълим ва унинг самарадорлигини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан мулоқот ташкил этилди, илмий маъruzалар тингланди, маҳорат дарслари ўтказилди.□